

SCOPE ACADEMIC HOUSE

11<sup>th</sup> International Conference  
«SCIENCE AND PRACTICE: A NEW LEVEL OF INTEGRATION  
IN THE MODERN WORLD»

November 30, 2020, Sheffield, UK

Conference Proceedings



SCOPE ACADEMIC HOUSE

B&M PUBLISHING

**11<sup>th</sup> International Conference  
«SCIENCE AND PRACTICE: A NEW LEVEL OF INTEGRATION  
IN THE MODERN WORLD»**

September, 10 - November, 30, 2020, Sheffield, UK

Conference Proceedings

Scope Academic House  
UK, S Yorkshire, Sheffield

B&M Publishing  
USA, San Francisco, California

SCOPE ACADEMIC HOUSE

B&M PUBLISHING

**11<sup>th</sup> International Conference  
«SCIENCE AND PRACTICE: A NEW LEVEL OF INTEGRATION  
IN THE MODERN WORLD»**

*Science editor: Prof. Robert Draut*

Copyright © 2020  
by Scope Academic House LTD  
Office 1 Velocity tower  
10 st. Mary's gate  
Sheffield  
S Yorkshire  
United Kingdom  
S1 4LR

ISBN 978-0-9898799-4-2  
DOI: [http://doi.org/10.15350/UK\\_6/11](http://doi.org/10.15350/UK_6/11)

All rights reserved.

Published by B&M Publishing.  
For permission to use material from this  
text, please contact the publisher at  
2076 – 16th Ave., Suite A,  
San Francisco, California, USA 94116,

CONTENTS

<i>L.S. Elibayeva, I.B. Farmonova</i>	
THE ROLE OF MORALS IN THE UPBRINGING OF CHILDREN IN THE FAMILY .....	6
<i>H.A. Safoyev</i>	
TECHNOLOGIES OF EDUCATION OF STUDENTS IN THE SPIRIT OF MILITARY PATRIOTISM .....	8
<i>A.A. Valiyev</i>	
MILITARY-PATRIOTIC EDUCATION.....	10
<i>U.I. Mamurov</i>	
PRINCIPLES OF SCIENCE AND OBJECTIVITY IN MILITARY-PATRIOTIC EDUCATION.	12
<i>S.M. Imomova, F.N. Safoyeva</i>	
METHODS OF CRYPTOGRAPHIC PROTECTION OF INFORMATION .....	14
<i>A. Altinbaeva</i>	
DISTANCE LEARNING TECHNOLOGIES AND ORGANIZATION METHODS.....	16
<i>Sh.E. Nosirova, Z.E. Nosirova</i>	
DISTANCE LEARNING TECHNOLOGIES AND ORGANIZATION METHODS .....	18
<i>M M Sattorova, N.N. Turayeva</i>	
REASONS FOR SOIL EROSION AND ITS PREVENTION MEASURES.....	20
<i>I.R. Xoliquov</i>	
THE IMPORTANCE OF ARTISTIC LITERATURE IN THE MILITARY-PATRIOTIC EDUCATION OF YOUTH .....	22
<i>V.T. Samadov</i>	
THE ROLE OF SCIENCE IN MILITARY-PATRIOTIC EDUCATION IN EDUCATIONAL INSTITUTIONS.....	24
<i>F.B. Raximov, Sh.J. Shomurodov</i>	
ROLE OF LITERATURE, FILM, THEATERAND FINE ARTS IN THE MILITARY- PATRIOTIC EDUCATION OF STUDENTS.....	26
<i>E.Sh. Niyazov</i>	
FEATURES OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES.....	28
<i>A.M. Uzoqov, O.O. Yuldashev</i>	
CREATIVE OPPORTUNITIES OF TEACHERS .....	30
<i>F.M. Oripova, N.G. Ikromova</i>	
FOUNDATIONS FOR FUTURE CHILD TRAINING .....	32
<i>Sh.N. Abduraxmanov</i>	
THE ROLE OF THE PEDAGOGICAL STAFF IN THE TRAINING OF MILITARY PATRIOTISM IN STUDENTS .....	34
<i>T.T. Nazarov, K.K. Jurabayev</i>	
THE NEED TO TRAIN STUDENTS FOR CIVIL PROTECTION.....	36
<i>L.F. Karimova, S.M. Gafarova</i>	
PEDAGOGICAL ASPECTS AND FEATURES OF THE USE OF AVICENNA'S TEACHING IN BIOLOGY LESSONS .....	38
<i>U.X. Temirov</i>	
PEDAGOGICAL SIGNIFICANCE OF THE USE OF MODERN INFORMATION	

---

*Research Article*

## THE IMPORTANCE OF ARTISTIC LITERATURE IN THE MILITARY-PATRIOTIC EDUCATION OF YOUTH

I.R. Xoliqov<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Teacher, combined arms preparatory cycle, military faculty, Bukhara state University,  
Uzbekistan.

DOI: [http://doi.org/10.15350/UK\\_6/11.9](http://doi.org/10.15350/UK_6/11.9)

---

### *Abstract*

The article provides information on the importance of fiction in the military-patriotic education of youth.

*Key words:* military patriotism, education, literature, cinema, theater, fine arts.

Биз ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг тамоиллари хақида сўз юритганимизда, бизнинг ихтиёримизда бўлган, инсонларнинг хиссиятлари ва онгига таъсир этишга аниқ йўналтирилган барча шакл ва усуллардан тўлиқ ва ижодий тарзда фойдаланишни назарда тутамиз. Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси мавзуси ўзбек адабиётидан мустахкам ўрин олди ва унинг бугунги кундаги ривожи давом этмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, бир қатор ёзувчиларимиз ўз ижодларида ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига катта аҳамият бермоқдалар. Шунинг учун хам кундан-кунга ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги асарлар намуналари кўпайиб, уларнинг бадий савиялари хам ошиб бормоқда. Ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида чоп этилаётган нашрларнинг кўлами жуда хам кенгdir. Уруш ва меҳнат хақида янги асарлар ва мақолаларнинг аксарият қисми унинг муаллифларининг аниқ ифодаланган эътиқодлари, муаммоларга иммий ёндошганлик хусусиятлари билан ажralиб туради. Жасорат ва фидокорона меҳнатга чорловчи йуналишдаги асарлар мазмунлари, шунингдек муаллифларнинг, инсоннинг жангда ёки меҳнатдаги ҳаракатини ижтимоий мөхиятини чукур ифодалаб бериш савиялари ошиб бормоқда. Ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясида асар муаллифлари ва қаҳрамонлари билан ўтказиладиган учрашувлар катта аҳамиятта эгadir. Чунки, улар ўзларининг ҳикоялари билан ўқувчиларга кучли рухий таъсир кўрсата оладилар, бу эса учрашув қатнашчилари хотирасида узоқ вақтгача сақланиб колади. Яхши ташкил этилган бундан учрашувларнинг ёшларга тарбиявий жихатдан таъсири хам юкори бўлади. Ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси муаммолари республикамиз матбуоти, радиотелевиденияси, кино, театр ва тасвирий санъатларининг диққат эътиборидадир. Кино - ўқувчи ёшлар ўртасида энг оммавий санъат тури бўлиб ҳисобланади. Ҳалқимизнинг ўтмишида Ўзбекистон Республикаси озодлиги, мустакиллиги учун олиб борган курашларини бадий ва маънавий жихатдан тушуниб этиш, ҳалқимиз тақдиридаги суронли ийларнинг буюк синовлари акс эттирилган воқеаларга чукур назар ташлаш, уларнинг тарихий ривожланишидаги аҳамиятини, озодлик курашини олиб борган аждодларимизнинг оммавий фидоийиликларининг манбаларини фалсафий жиҳатдан мушоҳада килиш, - бу ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги фильмларнинг бош мақсадидир. Бундай фильмлар ўтқир сюжетли, чукур фалсафий маънога, шунингдек, саргузашт воқеаларга бой бўлса, улар ёшлар тарбиясида энг самарали воситалар бўлиб қолади. Энг яхши ҳарбий кинофильмларда жасурлик, қаҳрамонлик манбаларини бадий жихатдан тадқиқот килиш, Ватанга бўлган мухаббат билан ифодаланади - бу рухий калит хисобланиб, у шахснинг ички дунёсидаги энг чукур кечинмаларнинг англашга имкон беради. Ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги фильмлар, ёшларнинг маънавий эҳтиёjlарига тўла жавоб беради, чунки уларда ёшларга хос булган саргузаштларга интилиш, хаётда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш ва

фидойилик намуналари ҳикоя килинади. Масалан, “Амир Темур”, “Генерал С.Рахимов”, “Намоз Ботир” вабошқа фильмлар шулар қаторидандир.

Хозирги ўқувчилар кўпроқ ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги китобларни ўқимоқдалар, кино ва театрларни томоша қилмоқдалар. Бундай асарларга бўлган қизикиш маълум жихатдан, ўқувчиларнинг ўтқир сюжетли саргузаштларни, ёрқин ва кучли қаҳрамонларни образини топишга бўлган истаклари билан тушунтирилади. Ҳарбий-ватанпарварлик ва ҳарбий-тарихий мавзудаги спектакллар, театр санъатининг ўзига хос бўлган ифода воситалари ёрдамида, спектаклда намойиш қилинаётган даврнинг, миллий-озодлик ҳаракатининг суронли йиллари руҳий холатини томошабинлар диққатига етказиб беради, ўқувчи-томашабинга ўзини тарихий воқеаларнинг бевосита қатнашчиси сифатида хис килишга имкон беради. Шунинг учун хозирги вақтдаги қаҳрамонона - ватанпарварлик мавзусидаги спектакллар, томошабинлар диққатига каратилган руҳий хис-хаяжонли мурожаатдан бошланади. Спектаклнинг бундай бошланиши, эга булган замонавий томошабинни қаҳрамонона ўтмиши чуқур хис килишга уни ўша давр руҳий холатига киришиши ёрдам беради.

Тасвирий санъат ёшлар билан Ҳарбий ватанпарвар мавзусидаги сұхбатлар учун бой материалларга эгадир, чунки Ватанимиз тарихидаги шонли воқеалар, ҳалқимиз ва унинг алохида вакиллари томонидан килинган буюк жасорат намуналари тасвирий санъатда ўз аксини топганлар. Бу буюк жасоратларга бағишланыб архитектура ва меъморчилик ёдгорликлар, хайкаллар қад ростлаган ва улар кейинги авлод санъаткорлари учун турли хил мавзудаги асарлар яратиш учун имкон яратган. Ўқитувчи тасвирий санъат асарларидан фойдаланиб ўқувчилар билан ҳарбий ватанпарварлик марвзусида сұхбатлар ўтказишида куйидаги мақсадлар сари интилиши керак: 1. Ўқувчиларда ватанпарварлик түйғуларини, ватан ва ҳалқи тақдирли унинг хам тақдирли эканлигини англаш ва унинг химоясига шайлик хисларини уйғотиш; 2. Бадиий асарлар ўқувчилар хотирасида узоқ вақт мустажкам сақланиб қолинишига эришиш; Ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги сұхбатларда хеч качон расмиятилика йўл қуяйлласлиги керак. Акс холда бундай ёндошиш ўқувчиларда санъат асарларига бўлган муносабатгагина эмас, балки уларнинг дунёқарашлари шаклланишига хам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Юқорида айтганларидан шуни хулоса килиш мумкинки, ўқитувчи бундай сұхбатларда фақат тарихий фактларнигина эмас, балки ҳар бир санъат турининг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек, аниқ бир санъат асарини бадиий жихатдан хаққоний баҳолашни хам билиши керак.

#### *References*

«Ватан химояси-муқаддас бурч» Т. Ҳарбий наприёт. 2000 й.